

“Ангрен-Поп” темир йўл участкасида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди

Йўловчи ташувчи поездларда ёнғин содир бўлганда ёнғинни бартараф этиш бўйича раҳбарлар ва ходимларнинг амалий кўникмаларини ошириш мақсадида жорий йилнинг 6 сентябр куни “Қамчиқ” довонининг “Ангрен-Поп” темир йўл участкасида ““Қамчиқ” довонининг “Ангрен-Поп” темир йўл участкасидаги туннелда йўловчи ташувчи вагонда ёнғин билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш” мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Амалий ўқув машқининг асосий мақсад ва вазифалари этиб кўйидагилар белгиланди:

фавқулодда вазиятни бартараф этишга жалб этиладиган куч ва воситаларнинг сонига ва ҳаракат қилиш режасига аниқлик киритиш;

“Қамчиқ” довонининг “Ангрен-Поп” темир йўл участкасидаги туннелда йўловчи ташувчи вагонда ёнғин содир бўлганда жалб этиладиган куч ва воситаларнинг амалий ҳаракатларини синаб кўриш;

куч ва воситаларнинг алоҳида ҳамда бошқа тузилмалар билан ҳамкорликдаги ҳаракатларида уйғунликни ошириш;

туннелда жабрланганларни кутқариш усулларини ишлаб чиқиш.

Махсус-тактик ўқув машқи уч босқичда ўтказилди. Ҳар бир босқичда поезд машинисти, унинг ёрдамчиси, вагон ходимлари, ёнғинни ўчириш гуруҳи, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлими шахсий таркибининг вагонда ёнғин содир бўлганда амалга оширадиган ҳаракатлари, шунингдек, уларнинг ФВВ кутқарувчилари, Транспорт ички ишлар бўлими ходимлари ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг таъмирлаш бригадаси билан йўловчиларни туннел ичидаги вагонлардан эвакуатсия қилиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлари кўриб чиқилди.

Ўқув машқи давомида қўйилган мақсадга эришилди. Раҳбарлар таркиби, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг куч ва воситалари, қутқарувчилар турли хил вазиятларда тўғри ва тезкор ҳаракат қилиш бўйича ўз билим ва кўникмаларини яна бир бор оширишди.